



MILLIY TIKLANISH

54 (426) ● 2016 йил 30 ноябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси
 ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Миллий манфаатлар ҳар нарсадан устун!

4 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

Қадриятлар ва замонавий тараққиёт уйғунлиги — Ғоя ва вазифаларимизда акс этган

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан Ўзбекистон Президентлигига номзод Сарвар Отамуратов билан мулоқот

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ҳам санокли кунлар қолди. ЎзМТДПдан кўрсатилган номзод Сарвар Отамуратов мамлакатимиз ҳудудларида 14 та учрашув ўтказди. Учрашувларда 50 мингдан зиёд сайловчилар иштирок этиб, номзодга ўзларини қизиқтирган кўлаб саволлар билан муножжат қилиш имкониятига эга бўлишди. Бундан ташқари, номзоднинг сайловолди Дастури марказий ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди. Бир сўз билан айтганда, партиямиздан кўрсатилган номзод ташвиқот учун қонунда белгиланган барча имконият ва шароитлардан самарали фойдаланилди.

Куйида ташвиқот жараёни ва сайловчиларни Дастур юзасидан қизиқтирган масалалар юзасидан номзодга бир неча саволлар билан муножжат қилдик.

— Сиз сайловолди ташвиқоти жараёнида мамлакатимизнинг кўпгина ҳудудларида бўлиб, минглаб сайловчилар билан учрашдингиз. Аҳолининг турли қатламлари билан мулоқотлар чоғида диққатингизни тортган энг характерли хусусиятлар нималардан иборат ва сайловолди Дастурингизнинг қайси жиҳатлари, йўналишлари ва илгари суриланган қандай етакчи вазифалар ва ғоялар сайловчиларда қизиқиш уйғотди?

— Аввало, мамлакатимизда 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ҳам халқимизнинг барча қатлами жуда катта қизиқиш билан қараётганлигини эътироф этиш лозим.

> 2-бет.



Худудлар ривожини, аҳоли фаровонлигини — бош мезон

Санокли кунлардан кейин мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтади. Айни пайтда сайлов кампаниясининг энг муҳим босқичларидан бири бўлган сайловолди ташвиқоти давом этаёттир. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Отамуратовнинг ишончли вакиллари сайловчилар билан учрашувлар ўтказмоқда.

Номзоднинг Сирдарё вилоятидаги ишончли вакили, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Норбобо Соатов Боёв туманида сайловчилар билан учрашди. Унда партия вилоят ва Боёв туман кенгаши ходимлари, партиядан сайланган маҳаллий Кенгашлар депутатлари, "Анорзор" маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари, ўқув муассасаси мураббийлари ва ёшлар иштирок этди.

Боёв Ижтимоий-иқтисодий касб-хунар коллежида ўтказилган учрашувда ишончли вакил йиғилганларни Сарвар Отамуратовнинг таржимаи ҳоли ва сайловолди Дастури билан таништирди.

— Дастурда миллий ўзлигини англаш, миллий қадриятларни ҳимоя қилиш, иқтисодий ривожлантириш, халқимиз фаровонлигини ошириш, миллий ахборот маконини такомиллаштириш, баркамол авлодни тарбиялаш ҳамда ташқи сиёсатда миллий манфаатларни ҳимоялаш каби долзарб вазифалар белгиланган, — деди Н. Соатов. — Мамлакатимизда маънавий-маърифий соҳада амалга оширилётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида келажакимиз эгаларини миллий маънавият ва қадриятлар руҳида тарбиялаш, маънавий-маърифий марказларни ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини ривожлантириш, оилавий қадриятларни ардоқлаш ва оилаларни мустаҳкамлаш масалалари сайловолди Дастурнинг асосий вазифаларидан биридир.

> 3-бет.



Дониёр СОЛИЕВ, XV ёзги Паралимпия ўйинлари бронза медали соҳиби:

— Мамлакатимизда спортни ривожлантириш юзасидан амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар мазмун-моҳияти, аҳамияти ва самаралари матбуотда изчил ёритилиши янада олға интилишимиз учун катта туртки бўлади.

Спорт ёшларимизнинг нафақат жисмонан бақувват, балки маънан етук бўлиб вояга етишига хизмат қилади, уларда мардлик, жасурлик, фидойилик, ватанпарварлик фазилатларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Мен "Миллий тикланиш"ни танладим. Сиз-чи?

Тараддуд

Шу йилнинг 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Хоразм вилоятида ҳам тайёргарлик жараёнлари ҳал қилувчи паллага кирди.

Сайлов участкаларида иш қизғин

Мамлакатимиз келажакига дахлдор мазкур сиёсий тadbирни юқори савияда, очиқлик, тенглик ва адолат тамойиллари асосида ўтказиш учун вилоятда 463 сайлов участкаси тuzилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик жараёни ва унинг юқори савияда ўтиши, ушбу сиёсий тadbирда фуқароларнинг фаол иштирок этиши кўп жиҳатдан сайлов участкаларида яратилган шароит ва унинг моддий-техник базаси мустаҳкамлигига ҳам боғлиқ. Вилоятда ташкил этилган сайлов участкасининг барчасида бўлажак сайловга пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 12-Хоразм вилояти округ сайлов комиссияси томонидан белгиланган тартибда ҳудуддаги барча сайлов участкаларига яширин овоз бериш хоналари, қутилар, кўчма қутилар, компьютер жиҳозлари, сайловга оид қонун, йўриқнома, қўлланма ва зарур адабиётлар, номзодларни таништирувчи плакатлар етказиб берилди. Сайлов участкалари жойлашган ҳудуд ободонлаштирилиб, йўл ва йўлакчалар таъмирланди.

> 3-бет.

Сайлов — 2016

ЎзМТДП сайлов штабида

брифинг бўлиб ўтди

Шу йилнинг 28 ноябрида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий сайлов штабида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказилди. Унда сайлов штаби раҳбари ўринбосари Феруза Мухаммаджонова иштирокчиларга Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ЎзМТДПдан номзод Сарвар Отамуратовнинг сайлов штаби фаолияти ҳақида маълумот берди.

Таъкидланганидек, жорий йилнинг 9 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича сайлов кампанияси эълон қилинганидан кейин партия Марказий кенгашида сайлов штаби ташкил қилиниб, "Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг сайловдаги иштироки бўйича асосий чора-тadbирлар режаси" тасдиқланди.

Сайлов штаби таркибидagi Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг сайловолди Дастурини ишлаб чиқиш ва ОАВда тарғибот ва ташвиқот қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ҳужжатларини тайёрлаш ва ҳудудий сайлов комиссиялари билан ишлаш, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ишончли вакиллари ва кузатувчилар билан ишлаш гуруҳлари ўз зиммасига юклатилган вазифаларни масъулият билан, қонун доирасида амалга оширишди.

> 3-бет.



"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



